

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАДИИЙ АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Р. Атамуродова, Педагогика фанлари номзоди, доцент.

Дўнгбоева Эътибор Эркин қизи-Педагогика ва психология йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация: Мақола уқувчиларнинг тафаккурини шакллантиришда шоир А.Орипов ижоди орқали уларда табиатга булган муносабати курсатилган ўқув фаолиятидаги аҳамиятига, бағишланган. Ўқувчиларда бадиий асарлар орқали инсоний туйғуларни шакллаштириш ва такомиллаштириш инобатга олиншини назарда тутади.

Калит сўзлар: Таълим-тарбия жараёни, тафаккур, Абдулла Орипов, бадиий асарлар.

Таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида ўқувчиларда инсоний туйғуларни шакллаштириш ва такомиллаштириш, эстетик тараққиётини оқилона бошқариш нафақауларнинг бадиий асарларни ўзлаштириш хусусиятларини билишни, балки ҳар бир ўқувчининг бу борадаги индивидуал англаш, тафаккур юритиш, ҳис қилиш, ҳукм-хулоса чиқариш хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам талаб қилади.

Тафаккур орқали ўқувчилар бадиий асар ҳақида фикр юритадилар. Бунинг учун ўқиётганларини тасаввур қилиб, хаёлан кўз олдига келтирадилар: асар қаҳрамонлари ҳам, рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам, тўқнашувлар, персонажлар ҳам илғаб олинганича тасаввур қилинади. Ўз тасаввурига таяниб фикрлаган ўқувчи мулоҳазаларини нутқи орқали баён қилади, ҳис-туйғуларининг кўлами ҳам нутқидан сезилади. Демак, тасаввур ҳам, тафаккур ҳам бошқа психологик жараёнлар билан табиий равишда алоқадор. Инсоннинг ҳар қандай фикри, туйғуси, ҳаракатида тасаввур мавжуд. Ўқувчи адабий қаҳрамонни ўзича тасаввур қилади, унга муносабати шаклланади. Ўзгаларнинг туйғуларини кўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайди. Уларни ўз қалбида туйиш, ҳис қилиб, тасаввур орқали англаш

керак бўлади. Ўқувчи бу жараёни ўз интеллектуал имкониятлари доирасида кечиради. Адабий таълимда ўқувчиларнинг айна шу ҳолатларига эмоционал таъсир кўрсатилади: хаёлот олами, тасаввурларини бойитишга; тафаккури ва мушоҳадаларини ўстиришга; нутқининг янада такомиллашувига эришиш учун шароит яратилади. Бадиий асарни таҳлил қилиш жараёни ўқувчи фаоллигини таъминлаш орқали уни инсонлараро муносабатларга аралаштиради; ҳаётга муаммолар илдизини топишга, тўқнашувлар асосини аниқлашга ундайди; ҳаёт ҳақида, инсон тўғрисида ўз хулосалари ва муҳокамаларини чиқаришга имкон яратади; нималарнидир ёқлаб, нималарнидир рад этади, танқидий кўз билан қарайди. Асар қаҳрамони уни одамларга яқинлаштиради, унинг қисмати ўзи ва ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмаслик туйғусини уйғотади. Бундай туйғу умуминсоний моҳиятга эгаллиги жиҳатидан ўқувчилар маънавиятининг юксалишига таъсир кўрсатади.

Табиат гўзаллигидан баҳра олишни биладиган, табиатни суядиган, табиат билан тил топишиш истагида бўлган инсон маънавий қашшоқликдан йироқлашади. Табиат гўзалликларини севган киши қалби эзгулик нури ила чароғон бўлади. Табиат орқали олам сирлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Шоир Абдулла Орипов:

Фақат табиат бор илоҳий макон,
Фақат ўшанга сен беписанд боқма.
Лоқал уни сен танигин, Инсон,
Ёлғиз бошпанангни ўт қўйиб ёқма, –

дея хитоб қилиш орқали барчамизни она табиатга беписанд боқмасликка, уни асраб-авайлашга ундамоқда. Акс ҳолда инсоният бошига оғир кулфатлар тушмоғи аниқ. Инсон она табиатдан йироқлашса, ўзини билишдан узоқлашади ва қалби камбағаллашади. Демак, илоҳий бошпанамиз табиатдаги ҳар бир ўзгаришлар қувонч ёки қайғу, алам, йўқотишлар табиат фаслларига қиёсан очиб берилади.

Инсонни табиатга яқинлаштирадиган, унинг кўнглини Она Табиат гўзалликларига ошно айлайдиган фасл – баҳор фасли ҳисобланади. Шунинг

учун қадим даврлардан бошлаб оламни ёшартирадиган бу фасл шоирларнинг илҳом манбаи бўлиб келган.

Ҳақиқатда ҳам баҳор ва шеър ўзига хос эгизак тушунчалардир. Баҳорни гўзалликлардан завқланиш мавсуми дейиш мумкин. Бунда табиатнинг яшил рангларга бўянишидан бошлаб, сувларнинг шарқироқ овози, қушларнинг кий-чувигача барчаси сирли ва жозибали. Бу сир ва жозиба эса инсонни доимо ўзига мафтун этади. ана шунда уйғониш шавқини янгидан ҳис қилиб, яна илгарига интилади. Баҳор шу тарзда унинг ҳаётини интилишларини қувватлаб яшашга, севишга ва яратишга ишончини мустаҳкамлайди. Шунингдек, баҳор инсон хотирасини ҳам бедор этади. Шунда у ўтган умрини эмас, бу дунёни тарқ қилган кишилар хотирасини ҳам ёдга олади. Баҳор ва кўклам манзараларини одам ўз қалбида ҳис этганда кўнглига илоҳий ва ҳаётини қувват оқиб киради. Мана шу сабабларга кўра, Шарқ шоирлари баҳор фаслини янги орзу, умид, шодлик, эзгулик, бунёдкорлик фасли сифатида мадҳ этиб келганлар. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» достонининг алоҳида бўлимида Баҳорни мадҳ этиб шундай сатрларни битган:

Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга очилди жанатнинг йўли.
Бу бўз ер ипорланди қорлар кетиб,
Безанди олам чирой кўрсатиб.
Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Қурилди янгидан баҳорнинг ёйи...

Бу сатрларнинг давомини ўқиркансиз, яшил, сариқ, кўкдан либослар кийган дарахтлар, ўзини эркин кўйиб бутунлай яшилликка бурканган «тоғу қир, далалар», ердан шодон бош кўтарган «минг алвон чечаклар», ипорнинг хидига кўмилган олам, ўйинга берилган «ғоз, оққушу ўрдак» кўз ўнгимизда гавдаланади.

Юсуф Хос Ҳожиб тасвирларида тоғ аро «қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора» каклик ва унинг бағрида қувнаётган булбул кўшиқларини

тинглатгандек бўласиз. Худди шундай ианзара тасвирларини «Девони луғотит-турк»даги шеърларда ҳам учратиш мумкин.

Хуллас, узоқ асрлардан эътиборан баҳор фасли мумттоз шеъриятимиз вакиллариغا мавзу, образ, манзара, поэтик тасвир воситаси сифатида хизмат қилиб келган. Лекин буларнинг барчаси инсоннинг тақдири, фикр-хаёли, орзу-умидлари ва ички кечинмалари билан бевосита уйғун равишда бадий тадқиқ этилган. Ўтмиш шеъриятимизда жумладан, баҳор манзаралари кўпинча, символик характерда бўлиб, реал лавҳадан кўра кўпроқ киши кайфиятига кўпроқ кўтаринки ҳис-туйғулар уйғотади. Аммо, Лутфий, Атоий, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва бошқа истеъдодли шоирларимизнинг шеърларида табиат манзаралари шартли символлар эмас, ҳаққоний ва жонли табиат кўринишларини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради. Масалан, Навоийнинг баҳор мадҳига бағишланган ўнлаб ғазаллари, Бобурнинг «Баҳор фаслидурур май ҳавоси бошимда» «Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур», «Ёз фасли, ёр васли дўстларнинг суҳбати», «Хотирни баҳор фаслида гашт оладур», «Хуш улки баҳор фасли бу дунёда» сатрлари билан бошланадиган шеърлари, Муниснинг «Чаманлар сайрига келки фасли навбаҳор ўлмиш», Огаҳийнинг «Қилиб ойини меҳр оғоз Наврўз, Фурқатнинг «Фасли навбаҳор ўлмиш» деб бошланувчи ва бошқа шоирларнинг кўплаб шеърларини эслаш мумкин. Ўқувчи кўнглида гўзалликка интилиш, эҳтиёж, уни асраб авайлаш, қадрлаш туйғуларини шакллантиришда А.Ориповнинг табиат лирикасига даҳлдор шеърларидан фойдаланиш мумкин.

Шоир ўз юртининг фарзанди сифатида халқ дардларини, изтиробларини ўз кўнгли орқали «лирик мен» туйғуларига пайвандлаб ифодалайди. Ҳаёт қанчалик гўзал, табиат мафтункор, куз манзаралари ҳам ўзига хос жозибали яшамаса, куз хирмони унга барака, шодлигу қувончлар келтирмаса, заҳматли меҳнати унга роҳат бахш этмаса, аксинча, «меҳнатга куллик» оқибатида меҳнат заҳмат, дарди алам келтирса, жондан азиз халқини бахтир дейиш мумкинми? Халқини меҳнат қаддини букан, заҳматлардан эзилган ҳолда кўриш шоирни изтиробга солмоқда. Шоир собиқ шўролар

тузуми даврида халқимиз меҳнатга қул қилинганлиги оқибатида унинг тақдири буйруқлар, шиорлар орқали хал қилинганлигини «кузнинг фалсафаси шудир биз учун» мисрасига аламли истехзо маъноларини юклаб ифода қилган. Бундай шеърларни таҳлил ва талқин қилиш давомида бугунги истиқлол даврининг кадр-қимматини англаш, бу улуғ неъматни янада мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз шу юрт, шу миллат фаровонлиги йўлида курашмоғимиз лозимлиги тушунилади. Ўқувчилар шоирнинг гражданлик туйғуларини ўз кўнгли орқали ҳис қилиб, миллатпарварлик туйғуларига ҳамдардга айланадилар. Англаб, ҳис қилган кечинмаларга таяниб фикрлайдилар, муносабат билдирадилар. Демак, табиат лирикасига мансуб асарларни ўқиб-ўрганиш ва таҳлил қилиш воситасида нафақат она табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, балки ўқувчига барчамиз шу маконнинг, шу юртнинг бир бўлаги эканимизни англашиш; она Ватан, табиат ва она замин олдида барчамиз масъул эканимизни дилдан англаб яшамоғимиз лозимлигини уқдирмоғимиз зарур. Она табиат гўзаллигидан, неъматларидан баҳра олиш билан бирга бу неъматларни кўпайтиришга, табиатни асраш, авайлашга барчамиз бурчлимиз. ана шундай масъуллик туйғусини ҳис қила оладиган ёшларни миллий ва умуминсоний туйғуларга эга ватанпарвар дейиш мумкин.

Абдулла Орипов каби истеъдод эгаларининг руҳий олами, эътиқоди, шахс сифатидаги хислат ва фазилатлари, тафаккур тарзи, услуби унинг ижодкор сифатидаги қиёфасини намоён этади. Адабиёт дарслари давомида шоир ҳаёти ва ижодини ўргатиш воситасида яратувчи шахсга хос фазилатлар намуна тарбиясини ўтайди; шоир кечинмаларига ўқувчиларни кечинмадош, ҳафикр, ҳаммаслакка айлантириш натижасида ўқувчиларда ҳам инсоний сифатлар куртак ёйиши; муайян масалаларга ўз нуқтаи назарига таяниб фикр юритувчи мустақил тафаккур эгалари шакллантирилади. Яратувчиликка, эзгуликка, гўзалликка интилувчан ёшларни тарбиялаш, улар кўнглида етук инсонларга нисбатан ҳавас ҳиссини уйғотиш, эл эъзозига созовор бўлган сўз санъаткорлари каби қалби уйғоқ, фидойи шахсларни вояга етказиш мумкин.

Шу йўл билан ўқувчиларда миллий ва умуминсоний туйғуларни шакллантиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи ва иккинчи жилдлар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т.: 2000. - 432 б.
- 2.Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори дисс... -Т.: 1997. - 306 б.
- 3.Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. док. дисс... - Т.: 1995. - 253 б.
- 4.Атамурадова Р. Таълим жараенида А.Орипов ижодини ургатиш усуллари методик кулланма Т.; 2016-50 б